

Мусулмон аёл илк бор жаҳон чемпионатида иштирок этди



14:05 / 02.08.2023 1263

Марокаш терма жамоаси футболчиси Нуҳайла Бензина спорт тарихида янги саҳифа очди. У жаҳон чемпионатида муслималар бош кийимида иштирок этган биринчи спортчи бўлди. Бу ҳақда FIFA расмий сайти хабар берди.

Ҳимоячи сифатида ҳаракат қилаётган Нуҳайла 2-тур учрашувининг илк дақиқалариданоқ майдонга тушиб, 90 дақиқани ўйинда ўтказди ва ўйин охирида сариқ карточка олиб, ўйиндан четлатилди. Марокашликларнинг рақиби Жанубий Корея футболчилари бўлиб, уларни 1:0 ҳисобида мағлуб этишди.

2023 йилги аёллар ўртасидаги Жаҳон чемпионати 20 июлдан 20 августгача Янги Зеландия ва Австралияда бўлиб ўтади.

Авваллари, FIFA қоидаларига кўра, бош кийим билан ўйнаш тақиқлаган эди. Аммо 2014 йилда ушбу чекловлар олиб ташланди. Спортчининг бош кийимининг ранги футболка рангига мос келиши қоидага киритилди.